


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти)
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1 Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларининг касбий вазифалари.....	5
2. 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	6
2.1 Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	7
Келишув варағи.	8

1. 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

71040101 – Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил этилади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги Малака талабининг қўлланилиши

Малака талаби **71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган бакалаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 71040101 – Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 71040101 – Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.

71040101 – Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) - “Транспорт хизматлари” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, тегишли бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларининг касбий фаолият соҳалари, қўшимча равишда олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда) билан шуғулланиш, Ўзбекистон Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, ихтисослаштирилган логистик марказларида, терминалларда асосий вазибаларни ҳал қилишга йўналтирилган комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 71040101 – Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- Олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида

ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

- Транспорт ташкилотларида касбӣ фаолият шакллари.

1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбӣ фаолиятларининг турлари

- *Илмий-тадқиқот;*
- *лойиҳа-технологик;*
- *ишлаб чиқариш-технологик;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *педагогик;*
- *консалтинг хизмати ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

1.2.4. 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти)

мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбӣ вазифалари:

71040101 - *Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти)* мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбӣ фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбӣ вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий - тадқиқот фаолияти:

- транспорт соҳасидаги мутахассисликларига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;
- транспорт соҳасида замонавий масалаларини ечиш учун янги технологияларни ва дастурлар пакетларини қўллаш;
- транспорт соҳасида ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, усуллар, дастурий ечимлар, инструментал воситаларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;
- намунавий услублар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш;
- илмий-техникавий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- транспорт соҳасида ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- транспорт соҳасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича таҳлиллар ва экспертизаларда қатнашиш, хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- илмий семинар ва илмий анжуманларда иштирок этиш;
- илмий-техникавий мавзуларга мос журналларга мақолалар тайёрлаш.

Лойиҳа-технологик фаолияти:

- лойиҳа-технологик фаолият муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;
- бажарилаётган тажриба-технологик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;
- илмий-амалий лойиҳалар бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти:

- транспорт ҳаракати ва ташиш ишларини самарали бошқаришда янги технологик жараёнларни ўзлаштириш ва мавжудларини такомиллаштириш;
- ташиш воситаларидан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш;
- транспорт соҳасида илғор, замонавий технологияларни жорий этиш;
- ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикасини амалий масалаларини ечиш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш.

Ташкилий-бошқарув фаолияти:

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- транспорт соҳасида ташиш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- ташиш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган транспорт воситалари ва ресурсларини режалаштириш;

- транспорт соҳасига оид замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ташиш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ташиш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

Педагогик фаолияти (ўрнатилган тартибда):

- ўқитиш методикасини эгаллаш;

- олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимининг таълим муассасаларида мутахассислигига оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиши;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиши;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиши;

- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши;

- транспорт соҳаси учун ДТС, Малака талаблари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.

Консалтинг хизмати фаолияти:

- транспорт соҳасидаги мутахассислик бўйича мавжуд ҳолатнинг аналитик таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

- транспорт соҳасидаги магистр ихтисослигига мос мавзулардаги бизнес лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

- транспорт соҳасидаги мутахассисликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

2. 71040101 - Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, логистик муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;

- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиши;

- давлат, нодавлат ва ношароит ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим;

- ишлаб чиқариш соҳасида фаолият олиб бориш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;

- транспорт ташкилотлари ва уларнинг тармоқ, соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдалана олиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича техника ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиш;

- меъёрий ҳужжатларни экспертизадан ўтказишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳалари, магистратуранинг ўқув режа ва ўқув дастури (магистратура дастури), профилб, ўқув даври, таълим технологиялари, транспорт жараёнлари, тармоқ ва соҳалар, баҳолаш, назорат қилиш, муст ақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, олий таълим муассасаси, хавфсизлик, таълим жараёни, экспертиза, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, моделлар ва моделлаш, илмий тадқиқотларни ташкил этиш, виртуал электрон билим манбаалари, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш tadqiqotlari va
ilmiy texnologiyalarni tatbiq etish
markazi

Вазир ўринбосари  А.Муминов

Директор в.б.  М.Эсонов

202__ йил «__»
М.Ў.

202__ йил «__»
М.Ў.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси

Ўзбекистон халқаро экспедиторлар
уюшмаси

Бошқарма
бошқаруви  А.Хамролиев

Бош директор  Д.Хамрасов

202__ йил «__»
М.Ў.

202__ йил «__»
М.Ў.

